

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими

4-курс талабаси Жумабоева Ироданинг

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти

фанидан тайёрлаган

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚРОЛИК ЖАМИЯТИ
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

Бажарди:

Жумабоева Ирода

Андижон - 2015

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Р Е Ж А

Кириш

1. Жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари.
2. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини эркинлаштириш: муаммо ва ечимлар.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида янада чуқурлашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан давлат бошқарувини эркинлаштириш ва мамлакатни модернизациялашга доир концептуал ривожланиш йўлини ишлаб чиқиши ва уларни “Ўзбек модели”нинг асосий йўналишлари сифатида ифодаланиши мамлакатнинг жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштиришга муҳим эътибор бераётганлигини англатади.

Ўзбекистон халқининг пировард мақсади ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдир. Ўзбекистон Республикаси конституцияси, миллий ва умумбашарий қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Бинобарин, у қонунийликка, умумэтироф этилган талабларга, умумбашарий тамойилларга ва миллий манфаатларга мос келади. Бугунги кунда миллий ғоя Ўзбекистон Республикаси фуқаролари онги ва қалбида чуқур жой олар экан, демократия тамойиллари янада кенг илдиз отишига, унинг назариядан амалиётга айланишига хизмат қилади.

Демократия йўлини танлаган жамиятларда амалга оширилган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларнинг муваффақиятлари, маълум даражада, фуқароларнинг қалби ва онгида демократия тамойиллари, тушунчалари нақадар тез ва чуқур илдиз отишига боғлиқдир. Бу ҳолат фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш, сиёсий партияларни сиёсий тизимдаги ролини кучайтириш ҳамда ўзини ўзи бошқариш тизимини эркинлаштиришни тақозо этади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Демократия фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг

хусусиятлари ҳамдир. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди”¹.

Республика Президентининг 2010 йил 12 – ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида таъкидлаганидек: “Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввамоғича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан охишмай, изчил ва қатъият билан боришдир”.

Мавзунинг ўрганилганлиги. Сиёсий фанлар доирасида фуқаролик жамияти барпо этишда нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг ролини ўрганишга доир фундаментал илмий тадқиқотлар, асарлар, китоблар, монографиялар ва мақолаларнинг кўп. Аммо соҳада илмий тадқиқот олиб бориш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш орқали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш давр талабидир. Шунинг учун ҳам мазкур мавзу битирув малакавий ишимизга тадқиқот объекти сифатида танланди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини эркинлаштиришга доир концептуал назарий ва амалий стратегик мақсадлар Президент И.А.Каримов асарларида мужассамлашгандир. Президент И.А.Каримов ўзининг қатор асарлари, маърузаларида янгидан қурилаётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг “Ўзбек модели”ни, шунингдек, жамият сиёсий соҳаси ва давлат қурилишини эркинлаштиришнинг муҳим жиҳатлари, йўналишларини аниқлаб берди ва мазкур эркинлаштириш жараёнларини шахсан мувофиқлаштириб бормоқда.

Шунингдек, мамлакатда нодавлат ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг у ёки бу жиҳатларига доир сиёсатшунос, ҳуқуқшунос,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 364 - бет.

социолог, иқтисодиёт фанларига доир тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, М. Байдадаев, Ш. Жалилов, Н. Жураев, Р.З. Жумаев, С.Джураев, Х. З.М. Исломов, А. Мирзаев, М. Мирхамидов, А.Т. Тўлаганов, Э.Х. Халилов, М. Қирғизбоев, О.Т. Хусанов, М.П. Юнусова, К.А. Юнусов, И. Эргашев ² каби олимларнинг асарларида фуқаролик жамияти институтлари баъзилари ёки баъзи жиҳатлари илмий таҳлил этилган.

Юқоридаги ишлардан фойдаланган ҳолда фуқаролик жамияти институтларининг хорижий тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ННТ ва жамоат бирлашмалари фаолияти ва улар фаолиятини таҳлил этиб, уларни бир тизимга келтириш, шу асосда илмий хулосалар чиқариш, таклиф ва тавсиялар беришни мақсад қилиб қўйдик.

Лойиҳанинг мақсади. Фуқаролик жамияти барпо этишда нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг ролини таҳлил қилиш тадқиқотнинг асосий мақсадидир.

Лойиҳанинг вазифаси: - Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шаклланиш жараёнларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- Жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимининг ривожланиш жараёнларини ўрганиш, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини эркинлаштиришга доир ислохотларни ўрганиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Лойиҳанинг аҳамияти. Ишнинг натижаларидан нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг фаоллари ўз фаолиятларида фойдаланишлари

² Байдадаев М. Политико-правовые основы становления и развития системы государственного управления в Республике Узбекистан. – Т.: 1996; Ш. Жалилов. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислохоти: тажриба ва муаммолар. – Т.: Ўзбекистон, 1994; Н. Жураев. Янгиланишлар концепцияси: яратилиши, эволюцияси ва амалиёти. – Т.: «Академия», 2002; Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. – Т.: «Фан», 1996; С. Джураев. Гражданское общество: теория и практика. –Т.: Академия, 2006; З.М. Исломов. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. –Т.: «Ўзбекистон», 2005; А. Мирзаев. Фуқаролик жамияти ва демократик қадриятлар. –Т.: «Фан», 2005; Мирхамидов М. Институт президентства Республики Узбекистан. –Т.: 2003; О.В. А. Тўлаганов Давлат ҳокимияти, вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари, фаолиятини ташкил этиш. – Т.: «Университет», 1996; Халилов Э.Х. Высший законодательный орган Республики Узбекистан: от формального представительства до реального парламентаризма. – Т.: «Ўзбекистон», 2001;М. Қирғизбоев. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. –Т.: «Академия», 2006; О.Т. Хусанов. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. –Т.: «Шарк», 1996.

мумкин. Шунингдек ижтимоий гуманитар соҳа йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрлар ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқитувчилари дарс жараёнида фойдаланишлари мумкин.

Лойиҳанинг назарий-метадалогик асослари. Президент И.А.Каримов асарларида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг роли илмий назарий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиб берилган. Айниқса Президенимизнинг “Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси БМИга методологик манба бўлди. Шунингдек шу соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган сиёсатшунос олимларнинг асарлари лойиҳага методологик манба бўлиб хизмат қилади.

1. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакат Президенти И.А.Каримов бошчилигидаги ҳукумат фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш мақсадидан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотларни демократик тамойиллар асосида ислоҳ этишга муҳим эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасидаги «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди»¹, 34-моддасидаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қиммати ҳеч қандай камситиши мумкин эмас»² каби фуқаролик жамиятининг давлат органларидан мустақиллигини таъминлашга доир ҳуқуқий принципни эътироф этилиши республикада жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнидаги тажрибалари ва синовларидан муваффақиятли ўтган фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини билдиради.

Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистондаги нодавлат нотажорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни (1991 йил февраль, 1997 йил апрелда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган), Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (1992 йил июль), Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни (1996 йил декабрь), Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1998 йил май), Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» янги таҳрирдаги

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент., Ўзбекистон, 2003 йил, 12-бет.

² Ўша китоб. 9-бет.

Қонуни (1999 йил апрель), Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил апрель) каби ҳуқуқий асослар воситасида мувофиқлашади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади»¹.

Шунингдек, қонуннинг 1-моддасида нодавлат нотижорат ташкилоти тузишнинг умумий мақсади ижтимоий фойдали манфаатларнинг қондирилиши эканлиги эътироф этилиб, бу билан нодавлат ташкилоти ўз фаолиятида халқчиллик принципига амал қилиши шарт эканлиги белгилаб қўйилди².

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунга биноан нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мақсади қуйидаги йўналишлардаги фаолиятлар бўйича амалга оширилади:

-биринчидан, кенг маънодаги маданий мақсадларга эришиш кўзлаб тузилган. Бунда маориф, илм-фан, маданият соҳаларида фаолият олиб борилади;

-иккинчидан, мамлакат аҳолисининг сиҳат-саломатлигини таъминлашни кўзлаб фаолият юритиш (спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчи, турли хил хасталикларнинг олдини олиш ва уларни даволашнинг илғор тажриба ҳамда усуллари тарғиб этувчи ташкилотдир);

-учинчидан, турлича фаолият йўналишидаги ҳуқуқни муҳофазаловчи ташкилотлар (масалан, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш жамияти);

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни.// «Нодалавлат нотижоат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳлар. Тошкент., Адолат, 2001 йил. 14-бет.

² Ўша китоб. 9-бет.

-тўртинчидан, фуқароларнинг маънавий ва бошқа хилдаги номоддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ташкилотлар (сиёсий уюшмалар, ижтимоий фондлар ва бошқалар);

-бешинчидан, хайр-эҳсон ишлари билан шуғулланувчи ташкилотдир³.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан “Кучли давлатдан кучли жамият сари” концепцияси асосида шаклланаётган фуқаролик жамиятининг таркибий қисми ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотлари, яъни учинчи секторнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг кўламли тизими вужудга келтирилди. Микдори 5 мингдан ортиқ бўлган ушбу ижтимоий институтлар давлат идоралари билан тенг ҳуқуқий легитимлилик асосида фаолият юритиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни билан қафолатланди.

Давлатимиз томонидан учинчи секторнинг ривожланиш стратегиясини мустаҳкамлаш сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, 2005 йил 18 майда 150 га яқин нодавлат ташкилотлари ташаббуси билан Ўзбекистон Нодавлат Нотижорат Ташкилотлари Миллий ассоциациясига асос солинди.

ЎзННТМАнинг асосий мақсадлари ННТлар фаолиятини мувофиқлаштириш, манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш, жамият ҳаётида иштирокига кўмаклашиш, ташкилий механизмларини амалга оширишни мустаҳкамлаш, обрўсини, салоҳиятини оширишга қаратилгандир. Яъни бугунги кунда ЎзННТМА маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожланишидаги муаммоларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берувчи ташкилотга айланмоқда. Нодавлат ташкилотларнинг бир маромда фаолият олиб бориши учун зарурий ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш, ўқув дастурлари жорий этиш, турли йўналишларда грант лойиҳалари танловларини эълон қилиш имкониятларига эга. Шунини

³ Ўша китоб. 16-бет.

таъкидлаш лозимки, мазкур грантларни фақатгина ЎзННТМА га аъзо ташкилотгина қўлга киритиши мумкин.

Ўзбекистонда мамлакат ижтимоий сиёсатига кўмаклашиш учун давлатга қарашли бўлмаган, аммо маълум қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлар қуйидаги гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ — аҳолининг муайян йирик тоифаларининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган, ҳукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Бундай ташкилотлар жумласига "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ногиронлар уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби тузилмалар киради. Ушбу ташкилотларнинг ўз матбуот органлари мавжуд ва улар фаолияти ОАВда ёритилиб келинмоқда.

Иккинчи гуруҳ — ихтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар: "Экосан", "Соғлом авлод учун", "Амир Темур", "Матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш", "Оролни қутқариш" жамғармалари, "Марказий Осиё мамлакатлари маданият ва фан арбоблари анжумани" каби ташкилотлар шулар жумласидандир. Бу ташкилотлар ҳам ўз ОАВга ёки ахборотномаларига эга.

Учинчи гуруҳ — ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар: шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамияти каби ташкилотлар шу гуруҳга киради.

Тўртинчи гуруҳ — ижодкор зиёлиларнинг миллий жамоат ташкилотлари. Бунга ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, архитекторлар, кинематографчилар, шунингдек, судьялар ва адвокатларнинг жамоат ташкилотлари киради.

Бешинчи гуруҳ — миллий маданият марказлари (юздан зиёд). Улар Ўзбекистонда яшовчи миллий (озчиликни ташкил этувчи) жамоалар

вакилларининг маданияти, маънавияти, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсадида тузилган ташкилотлардир.

Олтинчи гуруҳ — умуммиллий жамиятлар ва жамғармалар — Болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, Талабалар жамғармалари.

Еттинчи гуруҳ — ижтимоий аҳамият ва ижодий қизиқишлар б-н боғлиқ, асосан экология масалалари бўйича маҳаллий бирлашмалар: сайёҳлик ва бадий ҳаваскорлик клублари, ногирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари.

Саккизинчи гуруҳ — жамоат муассасалари. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, шунингдек, Самарқанддаги мушкул вазиятларда аёллар ва ўсмирларга руҳий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи "Сабр" ишонч маркази каби ҳукуматга қарашли бўлмаган маҳаллий ижтимоий муассасалар шу жумлага кирази. Қисман ҳукуматга қарашли ҳолда (давлатнинг ташкилий ва моддий-молиявий қўллаб-қувватлаши ёрдамида) тузилган бир қатор жамғармалар, марказ ва жамиятларнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларга айланишини тенденция сифатида эътироф этиш мумкин. Бу Ўзбекистонда нодавлат ташкилотлари ҳаракатининг шаклланишига хос хусусиятдир.

Инсонлараро мулоқот, давлат, нодавлат ташкилотлар ва аҳоли ўртасидаги ахборот алмашинуви, бир сўз билан айтганда, коммуникатив жараёни³ самарали ташкил этишнинг бугунги кунда кенг тарқалган ҳамда қатор олимлар томонидан самарали усул сифатида баҳоланган технологияларидан бири «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларидир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар кўплаб айрим манфаатларни агрегация қилиш (мунозаралар ва муҳокамалар ёрдамида турли манфаатларни уйғунлаштириш ва улар ўртасида маълум бир муносабатлар

³ Коммуникатив жараён – ахборот узатиш, етказиш ва уни қабул қилиб олиш жараёни.

тизимини ўрнатиш) фаолиятини ҳам олиб боради. Бу жараёнда энг асосий ва муҳим аҳамият касб этадиган, гуруҳ аъзоларининг кенг қатламлари қарашларини ифода эта оладиган манфаатлар танлаб олинади ва уларни амалда қондиришнинг зарурий чора-тадбирлари кўрилади.

ЎР «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил 14 апрель), 2-моддасига кўра, “Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

ННТ функциялари:

- ✓ жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш;
- ✓ демократик қадриятларни ҳимоялаш;
- ✓ ижтимоий, маданий, маърифий аҳамиятга молик фаолият мақсадларига эришиш;
- ✓ маънавий ва бошқа ҳилдаги номоддий эҳтиёжларни қондириш;
- ✓ хайр-саховат ишларини амалга ошириш.
- ✓ Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.
- ✓ Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.
- ✓ Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашishiга, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмайди.
- ✓ Нодавлат нотижорат ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ✓ ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;
- ✓ ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;
- ✓ давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш.

Давлат нодавлат ташкилотларнинг эркин фаолияти учун ҳуқуқий асослар яратиб берган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 3 июлда “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида қўшма қарори қабул қилинди. Унга кўра нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фонд маблағлаирни бошқариши бўйича Парламент комиссияси тизими бўйича қарор қабул қилинди”.

Ушбу Фонд ва Парламент комиссияси “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотларини (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар тақсимланишини ташкил этиш, ННТ ни моддий, молиявий қўллаб-қувватлаш дастурини шакллантириш ҳамда амалга ошириш мақсадида тузилди.

Қўшма қарорнинг аҳамияти шундаки, жамоат фондлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига молиявий кўмак бериш орқали, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш ва шу орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш қобилиятини амалда кучайтиришдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлатнинг бош ислохотчилик фаолияти натижасида нодавлат ташкилотларнинг демократик принциплар асосидаги ҳуқуқий асослари шаклланди. Қисқа давр ичида мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг пойдевори - конституциявий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ислохотлар натижасида мамлакатда нодавлат ташкилотлар тизими шаклланди. Мухими, нодавлат ташкилотлар билан давлат ҳамкорлиги борасида мамлакатда нодавлат ташкилотларнинг мустақил фаолият юритиши, давлат ва жамият ишларини бошқариши учун кенг имкониятлар яратилди.

2. ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг самаралироқ бўлиши учун фуқароларнинг фаоллиги катта аҳамиятга эгадир. Бунга давлатимиз

рахбари ҳам алоҳида урғу бериб келади: "Бу жараёнда бутун жамият, ҳар бир кишининг қатнашуви жуда муҳимдир. Биз фуқароларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар бериш, лозим бўлса, турмушимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирок этишини рағбатлантириш йўли билан, ўртага қўйилган мақсадга эришиш мумкин".¹

Мустақиллик шароитида халқларнинг маънавий ҳаёти ҳар томонлама бойиб бормоқда, натижада инсонлар фаоллиги ўсиб бормоқда. Республиканинг ҳақиқатан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқнинг азалий турмуш тарзи анъаналари, урф одатлари ва кўникмалари, мавжуд бекиёс табиий бойликларини ҳар томонлама ҳисобга олиб юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолади. Фуқаролик жамияти бирон бир давлатда қай даражада ривожланганлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч йўналишда ҳақиқий силжитишлар бўлмас экан, фуқаролик жамияти қуриш тўғрисидаги ҳамма гап сўзлар ё халққа хушомад қилиш ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади. Бундай силжишлар эса бир кунда бўладиган ишлар эмас.

Фуқаролик жамияти қуриш шартларидан бири ҳар бир жамият аъзосининг фаоллигини ва жамият ишларига қизиқиши ошишини таъминлашдир. Бу жараёни вужудга келтиришнинг энг асосий омили демократик жараёнларни фаоллаштириш кенг халқ оммасини бошқаришга жалб қилиш орқали эришилиши кўзда тутилади. Ана шу мақсадда ҳозирги кунда, ислохотлар стратегиясининг навбатдаги босқичида, жамиятни давлат тассаруфидан чиқариш жараёнини янада тезлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жамиятни давлат тассаруфидан чиқарилишининг моҳияти нимани англатади? Энг биринчи навбатда давлат монополиясига

¹ И.А.Каримов "Ҳозирги босқичда демократик ислохотларнинг муҳим вазифалари", -Т.: "Ўзбекистон", 1996, 39-6.

барҳам бериш, бу деган сўз хусусийлаштиришни турли формаларда тезроқ амалга оширишдир. Сиёсий ва мафкуравий хилма-хилликда, ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий ва сиёсий ривожланишини таъминлаш, ҳамда фуқаролар манфаатларини кафолатлаш ва уларнинг ҳуқуқ-эркинликлари тикланишидир. "Бу ҳолатлар Ўзбекистоннинг иқтисодий ислохотлар стратегиясининг асосий мақсадига тўла мос келади, чунки иқтисодий ислохотлар стратегиямизнинг асосий таянчларидан бири, корхоналар ва фуқароларга кенг эркинлик бериш уларнинг фаолиятига давлатнинг аралашувига барҳам бериш, иқтисодий омилларни рағбатлантиришдир".¹

Демак, давлатимиз сиёсий-ижтимоий жараёнларни амалга оширишнинг асосий шартларидан бири шахсий ва жамият манфаатлари, умумдавлат ва ҳудуд манфаатларини таъминлаш ва уларни мослаштириш. Яна бир муҳим вазифалардан бири аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки қўламини янада кенгайтиришдир. Икки вазифани тенг ва бир хил равишда ошириш мумкин. Чунки сиёсий ривожланишга улар ўртасида, яъни манфаатларни англаш ва сиёсий фаолликни ошириш ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш йўли билангина эришиш мумкин. Манфаатларни англаш ва фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш жараёни узлуксиз жараён бўлиб ҳисобланади. Бу жараён давлат ҳокимиятининг тармоқлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик йўли билан ҳамда уларнинг ваколатлари ўртасида мувозанатни сақлаган ҳолда, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш орқали амалга оширилмоғи лозим.

¹ И.А.Каримов "Ўзбекистоннинг сиёсий - ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари", "Ўзбекистон", 1992 й., 14-бет.

Шахс, миллат ва жамият маънавиятини юксалтириш, ижтимоий фаол шахсни шакллантириш ўзининг миллий-ғоявий асосларига эга. Ижтимоий фаол шахсни шакллантириш, ҳозирда амал қилаётган таълим жараёни янада юксалтириш, ундаги илғор усулларни сақлаб қолган ҳолда, дунёдаги илғор педагогик технологиялар билан бойитишни тақозо этади. Шунингдек, халқаро миқёсда тобора авж олиб бораётган, шахснинг жамият ҳаётида фаоллашувига салбий таъсир кўрсатувчи, бузғунчи ёвуз ғояларга таянган омилларга қарши кураш, уларни бартараф этишдек ўта мураккаб ва машаққатли вазифаларни бажариш зарур.

Ижтимоий фаол шахсни шакллантиришда, шахснинг масъулият туйғуси билан яшаш тарзини, ҳаёт йўлини аниқ мақсадлар билан барпо этишга ишлатиш каби кўникмалар муҳим рол ўйнайди. Масъулиятни ҳис қила оладиган шахс, ҳаётнинг кийинчиликларига, синовларига дош бера оладиган, фаол, эркин ва мустақил фикрлай олади. Уларда масъулият билан бирга, ўз-ўзини англаш, шахсий ғурур туйғулари ҳам юқори бўлади.

Шахснинг ижтимоий фаоллашувининг миллий-ғоявий жиҳатларидан яна бири, оилага, ота-онага, фарзандларга, маҳалла, миллатга ва юртга фидоийлик, Ватанпарварлик туйғусидир.

Лоқайдлик, бефарқлик, худбинлик (эгоизм), ғаразгўйлик, мунофиқлик, бошқалар ютуғини кўра олмаслик каби иллатлар шахс ижтимоий фаоллашувига салбий таъсир кўрсатувчи, ижтимоий муносабатларни таранглашувига олиб келувчи омиллар ҳисобланади. Шунинг учун, ёш авлодни шахс сифатида шаклланиши жараёнида, тарбия жараёнида бундай кўникмаларни вужудга келиши шаклланишининг олдини олиш муҳимдир.

Ижтимоий фаол шахсни шакллантиришда, ёш авлодни эркин, мустақил фикрлаши, ҳаёт воқелигини тўғри таҳлил қила олиш ва баҳолай олиш каби кўникмалар ҳам асосий ўрин эгаллайди. Ҳозирда, ғарбдан бизга кириб келаётган, шахс томонидан мавжуд ижтимоий воқеликни танқидий асосда таҳлил қилиш, фикрлаш тамойилига эътибор кучаймоқда. Ғарб мафкураси шу орқали биздаги мавжуд шарқона маънавий қадриятларни синдириб,

уларнинг ўрнига ўзларининг ғарбона тафаккур тарзини ва шу орқали турмуш тарзини олиб киришга интиломоқдалар.

Ижтимоий фаол шахсни шакллантиришда танқидий тафаккур юритиш муҳим аҳамият касб этса-да, шарқона яшаш тарзини ғарб мафкуравий андозалари, кадриятлари асосида тафтиш қилиш ноҳолис хулосалар чиқаришга сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида ижтимоий муносабатларда кескинликни, турли ихтилофларни келтириб чиқаради. Охир оқибат, шахс ижтимоий фаоллигини жамиятнинг мавжуд ижтимоий, маънавий кадриятларини емирувчи омилига айлантиради .

Ижтимоий фаол шахсни шакллантиришнинг миллий-ғоявий жиҳатлари жуда кенг бўлиб, уларни биргина тадқиқот ишида тўла қамраб олиш мумкин эмас. Ушбу муаммонинг социологик, педагогик, сиёсий, маънавий-мафкуравий, ҳуқуқий томонлари комплекс ҳолда тадқиқ этилмоғи зарур.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилишда ижтимоий фаол шахсни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий фаол шахсни шакллантиришда эса нодавлат ва жамоат ташкилотларининг роли беқиёсдир.

Ҳозирда, Ўзбекистонда 5 мингдан зиёд нодавлат ва жамоат бирлашмалари фуқаролик институтлари сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Айнан мана шу нодавлат ва жамоат ташкилотлари Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки, улар том маънода халқ хоҳиши ва интилишларини, мақсад ва манфаатларини ифодаловчи ижтимоий ҳаракатлар, жамғармалар ва уюшмалардир.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг фаолияти, уларнинг ижтимоий муносабатлардаги иштироки тобора ортиб бормоқда. Фуқаролик жамиятига яқинлашган сари бошқарувнинг кўплаб функциялари давлат тасаруфидан ўз-ўзини бошқарув тизимига ўтиб борилади. Аҳолининг турли қатламлари, айрим олинган шахс муайян нодавлат ва жамоат ташкилоти орқали жамият бошқарувида фаол қатнашади. Шу аснода жамият ўзини ўзи бошқариб боради. Бу жараёнда қайсидир шахс,

хоким ёки раҳбар хоҳиш-иродаси, ҳукмронлиги ёки муруввати билан эмас, балки демократияга асосланган, фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти, дунёқараши устувор бўлади ва ҳар қандай ижтимоий фаолият асосини ташкил қилади.

Нодавлат ва жамоат бирлашмаларини ривожлантиришдан асосий мақсад – жамият аъзоларининг манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ва ҳимоя қилишдан иборат. Нодавлат ва жамоат бирлашмалари ўз моҳиятига кўра фуқароларнинг ўзлигини англашга, ижтимоий муносабатларда ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган, ихтиёрий тарзда бирлашган, муайян бир мақсадга эришишни назарда тутган фуқаролик институтларидир.

Ўзбекистонда “Кучли давлатдан кучли жамият сари” концептуал сиёсий дастурдан келиб чиқиб жамиятнинг муҳим институти бўлган ўзини ўзи бошқариш органларини демократик тамойиллар асосида ривожланишига муҳим аҳамият берилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов нодавлат ташкилотларидан муҳими бўлган “Маҳалла” тўғрисида фикр билдириб; “Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда”¹.

Миллий мустақиллик даврида фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг қонуний мақомини мустаҳкамлаш юзасидан жиддий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалла мақомини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида мустаҳкамлади. Маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳуқуқий асоси фақат Конституция ва тегишли ҳуқуқий-меъёрий актлар билан чегараланмасдан, бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг турли фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Натижада бугунги кунга келиб Республикада 10.000дан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шундан 8142 таси маҳалла фуқаролар

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият” нашриёти, 2008 йил. 59-60 бетлар.

йиғинлари) фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари тизимига маҳалла, овул, қишлоқ, посёлка ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари киради. Маҳалла тарихий ва замонавий тушунчада аниқ белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатида мавжуд бўлиб, унда одамлар анъана ва урф-одатлар бирлиги, инсоний, хўжалик, ҳуқуқий муносабатлар бирлиги орқали ўзаро боғлиқдирлар. Ҳудди шундай ҳудудий бирликларда қадимдан умумий инсоний турмуш-тарзи шаклланиб борди, жамоатчилик фикри юзага келди. Маҳалла битта катта оила сифатида намоён бўлди.

Маҳаллаларнинг жамиятдаги анъанавий ўрнини эътиборга олиб, давлат маҳаллаларга анча муҳимроқ бўлган, яъни авваллари фақат давлат органлари бажарадиган ижтимоий функцияларни бажаришни ҳам топширди:

- кам таъминланган оилаларга давлат ёрдамини ажратиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- болалик оилаларга ижтимоий нафақалар ажратиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;
- коммунал тўловларда тегишли хизматларга ёрдам кўрсатиш;
- турар жойлар атрофидаги ҳудудларни санитар ҳолати ва ободонлаштиришни юқори даражада ушлаб туриш учун шу соҳадаги шаҳар хизмати билан ҳамкорлик қилиш;
- ички ишлар органларига жамоат тартибини сақлашда, қамок жазосидан озод қилинган фуқароларни тарбиялаш каби ишларда ёрдам бериш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий асоси маҳаллаларнинг коммунал тўловларини ўз вақтида ва тўлалигича ундирилиши ҳисобига мукофот тарзида олинadиган маблағлардан, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан ажратилadиган бюджет маблағлари, шунингдек, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ҳайрияларидан иборатдир. Қонунчиликка мувофиқ коммунал хизматлар учун умумий тўловнинг 75%

идан кўпини йиққан тақдирда, у йиғилган маблағнинг 6 дан то 20 % гачасини ўзларига олиб қолиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Кўриниб турибдики, бугунги шароитда ўзини ўзи бошқариш органлари фақат жамият институти сифатида эмас, балки бошқарув органи, жойлардаги фуқароларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини ифодаловчи органларга айланиб бормоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг сиёсий жараёнларда ва сиёсий қарорлар қабул қилишда ҳам муҳим ўрин тутадиган ижтимоий кенглик сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакат Президенти томонидан 2003 йилни “Обод маҳалла” йили деб эълон қилиниши билан ўзини ўзи бошқариш органларига давлат идоралари, нодавлат ташкилотларининг эътиборлари ҳам кучайди. “Кучли давлатдан кучли жамият сари” концептуал сиёсий дастурида маҳаллаларга маҳаллий давлат ҳокимиятининг баъзи ваколатларини бериш жараёнлари давом этмоқда. Айниқса маҳаллаларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг иштирокини таъминлашга доир ўрнини юксалтириш ислохотлари кейинги йилларда ҳам изчиллик билан давом этмоқда.

Хулоса

Юқорида келтирилган фикрлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. “Маҳалла” миллатимиз ва халқимизнинг маънавиятини ўзида мужассамлаштирган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувини ўзида ифода этувчи қадриятлардан бирини ташкил қилади.

2. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари жаҳон мамлакатларида амал қилаётган шаклларида нафақат ўзининг қадимийлиги, шунингдек халқчиллиги, номи ва шаклланиш тамойиллари билан ҳам ажралиб туради.

3. Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувининг таянчи бўлган маҳаллани фаоллаштириш борасида ҳуқуқий асослар яратилганлигига қарамасдан, уни амалиётга тадбиқ қилиш борасида бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Улар:

а) бир томондан қонунларда маҳаллани моддий жиҳатдан ҳокимиятга боғлаб қўйиш;

б) маҳалла ташаббускор бўлиш ўрнига ҳокимият кўрсатма берувчи, маҳаллани бошқариб турувчи институтга айланаётганлиги кабиларда намоён бўлмоқда.

Жумладан, И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида эҳтиёжмандларга амалий ижтимоий ёрдамни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кўрсатиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб бундай деган эдилар: - “Жамиятимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим воситаси бўлмиш, ҳаётимизда қадимдан ўзини оқлаб келаётган маҳалла идораси бу масалада алоҳида ўрин тутиши ҳақида гапириши ортиқча. Кенг халқ оммасини давлат ва ҳокимият идоралари билан кўприкдек боғлаб турадиган бу ноёб тизим мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя сиёсати йўлида қўшаётган улкан ҳиссаси билан халқимиз назарида катта обрў қозанаётгани бежиз эмас”.

Демак, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимиз тараққиётининг бугунги босқичидаги энг муҳим вазифаларидан бири кам таъминланган оилаларга самарали ижтимоий ёрдам беришни ташкил

этишдан иборатдир. Албатта, бу ишнинг муваффақиятли амалга оширилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликдагина таъминланиши мумкин. Эндиликда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини айнан маҳалла фуқаролар йиғинлари, уларнинг комиссиялари томонидан таъминланмоқда. Бу ишда адолат принципи таъминланиши, ҳақиқатда муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатилиши жуда муҳимдир. Одамларга нисбатан адолатсизлик қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳолат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, умуман маҳалланинг обрўсига сезиларли даражада путур етказиши турган гап.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонун мониторинги институти томонидан ўтказилган суҳбат натижасига кўра маҳаллий органлари вакилларида “Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий вазифалари нималардан иборат деб биласиз?” деган саволга “ҳокимият зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишига кўмаклашиш” (3%) ва “худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, коммунал тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш” (49%) деб жавоб берганлар.

Шунингдек “Фуқароларнинг ўзи ўзи бошқариш органлари ўз ваколатларини самарали амалга оширишлари учун уларга қандай ваколатлар бериш ҳамда уларнинг қайси ваколатларини бекор қилиш лозим, деб ҳисоблайсиз?” деб берилган саволга респондентлар “фуқаролар йиғинига тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини, архитектура масалаларини ҳал этиш ваколатлари, маъмурий чоралар кўриш ваколати, ФХДЁ ваколатини, ҳуқуқшунос штатини бериш, ҚФЙ ва МФЙ нинг мақомларини аниқлаштириш лозим, йиғин ўз ҳисоб рақами ва бюджет маблағларига эга бўлиши, коммунал соҳани назорат қилиши, патронаж хизматини ташкил этиши, фуқароларни рўйхатга олиши керак ва ҳ.к” деб жавоб берганлар.

Шу билан бирга 142 та оддий фуқаро билан суҳбат жараёнида уларга “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий таъминот

ёрдамини кўрсатишда ижтимоий адолат, қарорлар қабул қилиш чоғида ошкоралик тамойилларига нечоғлик амал қиладилар?” деб савол беришганда 29 нафари (20%) “тўла амал қиладилар”, 113 нафари (80%) эса “ошкораликка ва ижтимоий адолатга риоя қилмайдилар” деб жавоб бердилар.

Ушбу жавоблардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинлари, уларнинг комиссиялари ўз амалий фаолиятларида аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги амалий ишларида ошкоралик ва ижтимоий адолат тамойилига қатъий амал қилишлари лозим.

Ҳамон маҳаллий ижро ҳокимиятининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтларини фаолияти устидан назорат қилиши сақланиб қолмоқда. Бунга бир томондан, маҳаллий ижро ҳокимиятининг ўз қўлидан бошқарувнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бутунлай ўтиб кетиши, ҳокимиятнинг ҳокимиятсизлиги вужудга келиши сабаб бўлса, иккинчи томондан ўзи ўзи бошқариш органларининг яна ҳокимият кўрсатмалари ва буйруқларини кутиш, ўзларида эса ташаббус етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

Фуқаролик институтларининг жамиятни бошқаришдаги фаоллигини ошириш унинг ғайриқонуний жиҳатдан ҳокимият таъсиридан “ҳимояланиши” учун а) оқсақоллар ва фуқаролар йиғинлари раисларини сайлаш тизимини такомиллаштириш; б) уларнинг маҳаллий ҳокимият бюджетидан молиялаштириш Республика Молия вазирлиги томонидан молиялаштиришга ўтиш; в) фуқаролик институтларини қонунчилик ташаббускорлигининг белгилаб қўйилишига эришиш кабилар амалий аҳамиятга молик бўлади.

Фуқаролик институтларини шакллантириш ва унинг фаолиятини изчиллик билан такомиллаштириб бориш унинг жамиятни бошқарувидаги салоҳиятини ошириш мумкин бўлади. Фуқаролик институларини фаоллаштириш мақсад эмас, балки мамлакатимизда фуқаролик жамияти

асосларини шакллантириш воситаси сифатида қаралсагина бошқарувнинг демократик қадриятлар асосига ўтиши мумкин бўлади.

Агар ана шу мавжуд муаммоларни умумлаштирадиган бўлсак ҳамда уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ўрнини ва уларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятлари самарадорлигини ошириш мақсадида ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида маҳаллий солиқларнинг маълум бир қисмини маҳаллаларга доир ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш лозим;

2. Маҳаллалар ҳудудидаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш фаолияти – нонвойлик, этикдўзлик, қассоблик, тикувчилик, телерадио таъмирлаш устахонаси, сартарошлик, кир ювиш, сабзавот дўкончалари ҳар қандай солиқлардан озод қилиниши зарур;

3. Маҳаллалардаги ишсизлик ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим йўналиши эканлигини эътиборга олиб, маҳаллаларда жойлашган (3 кишича ишлайдиган) кичик тадбиркорлик субъектлари солиқлардан озод қилиниши керак;

4. Ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини режалаштириш мақсадида ҳар бир маҳаллада яқин 2-3 йил ичида ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар, етим-есирлар, қариялар, ёлғиз яшовчилар, боқувчисини йўқотганлар, ишсизлар, келажакда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари (коллеж, лицейлар) битирувчилари рўйхатини тузиб чиқиш ва унинг натижаларини статистика билан шуғулланувчи давлат идораларига топшириш;

5. Ишсизликка барҳам бериш мақсадида маҳалла ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантириш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш чора-тадбирларини кўриш.

6. Маҳаллалар фуқаролар йиғинида махсус ижтимоий ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғулланувчи (ойлик олиб ишлайдиган) маслаҳатчи лавозимини тавсия этиш, унинг зиммасига маҳалла ҳудудида ижтимоий

ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар, ўсмирлар ва болалар аҳволини ўрганиш, ҳомийлар томонидан кўрсатилаётган ёрдамларни маслаҳатчи кенгаши томонидан тақсимлашга доир қарорларни бажариш, бу соҳадаги фаолият мониторингини амалга ошириш вазифасини юклаш;

7. Маҳаллаларда солиқни сақлаш тизимини шакллантириш, унинг таркибий қисмлари сифатида ҳар бир маҳаллада тиббиёт пункти, дорихоналар филиалларига эга бўлиш, болалар ва ўсмирларни жисмоний соғлом бўлишларини таъминлаш мақсадларида спорт майдончалари қуриш, жисмоний тарбия анжомлари билан таъмирлашни ташкил этиш;

8 Маҳаллаларда ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантиришни таъмирлаш мақсадида доимий фаолият юритадиган “Ўсмирлар ва болалар ҳаёти” комиссиясини тузиш, мазкур комиссия ваколатига маҳалла ҳудудидаги ўсмирлар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларини ўрганиш, уларнинг ечимларига доир маслаҳатлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифасини юклаш;

9. Ҳар бир маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳузурида ҳуқуқий, маънавий-маърифий, бадий адабиётлар жамғармасига эга бўлган кутубхоналар бўлишига эришиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Президент Ислом Каримов асарлари:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида – VI том Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажар сари –Т .: “Ўзбекистон”, 1999.

4. Каримов И.А Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари –Тошкент.: “Ўзбекистон ”, 1997.
6. Каримов И.А Миллий истиқлол мафкураси – халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончидир – Тошкент .: “Ўзбекистон”, 2000.
7. Каримов И.А Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз 8-жилд –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
8. Каримов И.А Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
9. Каримов И.А Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақиллик тараққиёт йўли – Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
10. Каримов И.А Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир 15-жилд – Т.: ”Ўзбекистон”, 2007.
11. Каримов И.А Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз 9-жилд – Т.: ”Ўзбекистон”, 2001.
12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) , “ Халқ сўзи ” , 2010 йил 13 ноябрь (№ 220) .
13. И.А.Каримов "Ҳозирги босқичда демократик ислохотларнинг муҳим вазифалари", -Т.: "Ўзбекистон", 1996 й.
14. Каримов И.А. “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир”. –Тошкент, Ўзбекистон, 2012,

Асосий манбалар:

15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008.

16. Фуқароларни ўзини – ўзи бошқариш тўғрисида”ги янги таҳрирдагиги қонуни. //Халқ сўзи, 2013. 23 апрел
17. М.Қирғизбоев. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар мафкуралар маданиятлар. Т. “Шарк” 1998 й
- 18 .с.ф.д.,проф. И.Эргашев, с.ф.д.,проф. К.А.Юнусов, ф.ф.д. Т. Ортиқов, с.ф.н. М.Юнусова, с.ф.н. Т.Каримов, ф.ф.н. В.Қўчқоров, М.Юлдашева. Ўзбекистондаги нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятида миллий ғоя тарғиботи – “Андижон” 2010.
19. проф. Т. Ортиқов, с.ф.д.,проф. К.А.Юнусов, с.ф.н. М.Юнусова, ф.ф.н. В.Қўчқоров. Ўзбекистондаги нодавлат ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг назарий асослари (*Президент И.А.Каримов асарлари асосида қўлланма*) .

Махсус адабиётлар:

20. Абу Наср Фаробий. “Фозил одамлар шаҳри” . – Т : Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси наширёти , 1993.
21. Гегель Г.В.В.Философия права-Мысль 1990, с.418 Гегель Г.В.В. Философия права-Мысль, 1990
22. Ҳалилов . Э Ўзбекистон парламенти – юқори палата вакилидан қонун чиқарувчи ҳокимиятга – Т .: Ўзбекистон , 2001 .110 – бет .
23. Ўзбекистон Республикасининг “ Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси . 1991й. №4 – 76 – модда
- 24.Фуқароларни ўзини – ўзи бошқариш тўғрисида”ги янги таҳрирдагиги қонуни. //Халқ сўзи, 2013. 23 апрел